



## Protecting women: the role of public control in combating violence and harassment

Gulnoza SATTAROVA<sup>1</sup>, Shokhrukhbek SOBIROV<sup>2</sup>

Institute of Legislation and Legal Policy under the President of the Republic of Uzbekistan

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received June 2023  
Received in revised form  
15 July 2023  
Accepted 15 July 2023  
Available online  
25 August 2023

**Keywords:**

public control,  
women's protection,  
harassment,  
violence,  
discrimination,  
social networks,  
freedom of information,  
responsibility,  
equality.

### ABSTRACT

This article addresses the pertinent and crucial topic of protecting women from discrimination and violence through the reinforcement of public control. In contemporary society, ensuring the safety and equality of women is a top priority, and public control plays a significant role in detecting and preventing violations of their rights. The article examines the main aspects related to the effectiveness of public control and the necessary measures for a more successful fight against discrimination and violence toward women. It emphasizes that ensuring the safety and equality of women is a collective responsibility, and public control plays a pivotal role in achieving this objective.

Furthermore, the active utilization of mass media and social networks is recognized as an effective measure of public control in advocating for women's rights. Therefore, continued research and the development of new approaches are essential to achieving this vital goal.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss4-pp95-101>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Аёлларни ҳимоя қилиш: зўравонлик ва таъқибга қарши курашда жамоатчилик назоратининг ўрни

### АННОТАЦИЯ

**Калит сўзлар:**

жамоатчилик назорати,  
аёлларни ҳимоя қилиш,  
зулм,  
зўравонлик,  
камситиш,  
ижтимоий тармоқлар,

Ушбу мақолада жамоатчилик назоратини кучайтириш орқали аёлларни камситиш ва зўравонликдан ҳимоя қилишнинг долзарб ва муҳим мавзуси кўриб чиқилади.

Ҳозирги кунда хотин-қизларнинг хавфсизлиги ва тенглигини таъминлаш устувор вазифа бўлиб, уларнинг ҳуқуқлари бузилишини аниқлаш ва бунга чек қўйишда

<sup>1</sup> PhD, Chief Researcher, Institute of Legislation and Legal Policy under the President of the Republic of Uzbekistan.

<sup>2</sup> Senior Researcher, Institute of Legislation and Legal Policy under the President of the Republic of Uzbekistan.

ахборот эркинлиги,  
масъулият,  
тенглик.

жамоатчилик назорати муҳим ўрин тутади. Мазкур мақола доирасида жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш билан боғлиқ асосий жиҳатлар ҳамда аёлларга нисбатан камситиш ва зўравонликка қарши курашиш бўйича зарур чора-тадбирлар ҳақида сўз боради. Шунингдек, хотин-қизларнинг хавфсизлиги ва тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш бутун жамиятнинг вазифаси экани, бу мақсадга эришишда жамоатчилик назорати муҳим ўрин тутаётгани алоҳида таъкидланади.

## **Защита женщин: роль общественного контроля в борьбе с насилием и домогательством**

### **Ключевые слова:**

общественный контроль,  
защита женщин,  
угнетение,  
насилие,  
дискриминация,  
социальные сети,  
свобода информации,  
ответственность,  
равенство.

### **АННОТАЦИЯ**

Данная статья обращается к актуальной и важной теме защиты женщин от дискриминации и насилия посредством усиления общественного контроля.

В современном обществе обеспечение безопасности и равенства женщин является приоритетной задачей, и общественный контроль играет важную роль в обнаружении и пресечении случаев нарушения их прав. В рамках данной статьи будут рассмотрены основные аспекты, касающиеся эффективности общественного контроля и необходимых мер для более успешной борьбы с дискриминацией и насилием в отношении женщин. Отмечается, что обеспечение безопасности и равенства женщин – задача общества в целом, и общественный контроль играет ключевую роль в достижении этой цели.

Так, одними из эффективных мер общественного контроля в борьбе за права женщин является активное использование средств массовой информации и социальных сетей. Поэтому необходимо продолжить исследования и разрабатывать новые подходы для достижения этой важной цели.

Мамлакатимизда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ишлари бир неча йўналишларда олиб борилаётганлиги, хусусан, аёллар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларини ҳамда аёлларни ҳимоя қилишнинг институционал асосларини такомиллаштирилаётганлигини алоҳида қайд этган ҳолда, ушбу йўналишда жамоатчилик назорати омили жуда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларининг самарали фаолият юритишида, давлат органлари раҳбар-ҳодимларининг қонунларга қатъий амал қилиб, ўз зиммаларидаги вазифа ва мажбуриятларини масъулият билан адо этишларида бу институтнинг таъсир доираси ниҳоятда юқори.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг мақсади хотин-қизларни турмушда, иш жойларида, таълим муассасаларида ҳамда бошқа

жойларда тазйиқлар ва зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишга, шунингдек, тазйиқлар ва зўравонликдан жабрланганларни ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга қаратилган бўлиб, жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Қонунга кўра, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка қарши курашишнинг субъектлари нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки марказий ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, таълим, меҳнат, соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар давлат органлари, бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, зўравонлик қурбонларига ёрдам берувчи махсус марказлар ҳам ҳисобланади.

Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияда, Пекин декларацияси ва платформасида энг муҳим муаммоли соҳалар белгиланган бўлиб, улар ичида давлат хизмати, бандлик, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари акс эттирилганини биламиз. Худди шундай, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда ҳам айнан шу соҳаларда давлат органларининг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди.

Бугунги кунда давлат органлари томонидан хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка барҳам беришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар кўплаб қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка қарши курашувчи субъектларнинг бир вақтнинг ўзида гендер тенгликни таъминлаш масалаларига масъуллигини ҳам кўришимиз мумкин. Бунда биз тазйиқ ва зўравонлик ҳолати аслида гендер тенгсизликнинг ифодаси эканлигини ва унга қарши курашиш ҳаракатлари жамиятда гендер тенглик тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилишини тушунишимиз лозим.

Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларнинг хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка қарши курашиш соҳасидаги ютуқларини жамоатчилик орасида бугунги кунда реал баҳолаш имкони мавжуд эмас, сабаби хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоялаш соҳасида жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш учун бир неча муаммолар борлигини эътироф этишимиз керак. Бунинг асосий сабаблари сифатида гендер тенглигини таъминлаш ҳамда аёлларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳалари Ўзбекистон ҳуқуқий майдони учун ҳали янги эканлиги, ундаги категориялар ва ҳуқуқий механизмлар аниқ белгиланмагани, уларни ҳуқуқ амалиётида татбиқ этиш билан боғлиқ муаммолар энди-энди ўрганилаётгани ва тегишли тартибда уларни бартараф этиш йўллари аниқлаш ишлари бошланганини қайд этишимиз лозим.

Биринчи муаммо, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда Давлат органларида гендер тенглиги соҳасида масъул ваколатли шахснинг ҳуқуқий ҳолати белгиланган бўлиб, ушбу шахс ваколати доирасига жинс бўйича камситиш (тазйиқ) фактларини бартараф этиш юзасидан чоралар кўриш вазифалари юклатилган. Шу муносабат билан ушбу Қонунда белгиланган бевосита ва билвосита камситиш тушунчаларига эътибор бермоқчимиз. Бевосита камситиш ҳолатларини

белгилашда жабрланувчининг ўзига ҳуқуқ берилган бўлса, билвосита камситиш ҳолатларини аниқлаш учун махсус билим ва кўникмалар талаб этилади. Афсуски бундай билимга эга бўлган мутахассислар етарли эмас. Худди шундай тазйиқ ва зўравонлик тушунчалари ҳам, агар улар оилавий зўравонлик билан боғлиқ бўлмаган бўлса, янги тушунчалар ҳисобланади. Демак, аёлларни билвосита камситиш ҳолатлари орқали тазйиққа ёки зўравонликка дучор келганини аниқлашнинг ўзида муаммо борлигини эътироф этишимиз жоиз ва бунда жамоатчилик назорати самараси ҳақида гапиришга эрта деб ҳисоблаймиз. Ундан ташқари, қонунчиликда иш берувчи ёки таълим муассасаси раҳбари томонидан иш ва ўқиш давомида тазйиқ ва зўравонликка учраган аёллар ҳолатлари бўйича жавобгарлик белгиланмаганлиги боис, бундай ҳолатлар жамоатчилик назорати самарасини анча тушириб, бу эса ўз навбатида такроран зўравонлик, тазйиқ содир этилишига сабаб бўлмоқда.

Шуни инобатга олган ҳолда, уй зўравонлиги тушунчасига кирмаган зўравонликларга чек қўйиш учун тазйиқ ўтказган шахсга нисбатан тегишли таъсир ёки жазо чораларини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Чунончи, иш берувчилар зиммасига зўравонлар ва жабрланувчининг ҳар қандай ўзаро муносабатга киришишига чеклов ўрнатиш масаласини кўриб чиқиш фойдадан ҳоли эмас.

Иккинчи муаммо, давлат органлари таркибида жамоатчилик кенгашларининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши жамоатчилик назоратини амалга оширишга реал кўмаклашиши лозим. Лекин бугунги кунда Жамоат кенгашлари қайси давлат идоралари ҳузурида ташкил этилгани ва уларнинг фаолияти тўғрисида етарли маълумотларга эга эмаслигимизни ҳам тан олишимиз жоиз.

Бундан ташқари, давлат органи ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомга кўра, Жамоатчилик кенгаши ва унинг низоми давлат органи раҳбарининг қарори билан тасдиқланади, кенгаш фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш давлат органи ҳисобидан амалга оширилади, ҳаттоки фаолияти устидан назорат ҳам давлат органининг раҳбари томонидан амалга оширилиши белгиланганини эътиборга олган ҳолда, ушбу тузилманинг жамоатчилик назорати фаолияти самараси ҳақида гапиришимиз қийин.

Учинчи муаммо жамоатчилик назорати шакллари билан боғлиқ, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда жамоатчилик назоратининг турли шакллари белгиланган, жумладан:

- давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар;
- давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;
- жамоатчилик муҳокамаси;
- жамоатчилик эшитуви;
- жамоатчилик мониторинги;
- жамоатчилик экспертизаси;
- жамоатчилик фикрини ўрганиш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлаторганлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш.

Шу ўринда жамоатчилик назоратининг айрим шакллари самараси етарли даражада эмаслигини эътироф этишимиз лозим. Масалан, давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар, давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш каби назорат шакллари барчамизга тушунарли. Лекин жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги ва жамоатчилик экспертизаси каби назорат шаклларнинг амалга ошириш механизмлари ҳалигача ҳуқуқий тартибга солинмагани боис, улардан кутиладиган натижаларни ҳам аниқ тасаввур қилиш қийин.

Тўртинчидан, жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунда жамоатчилик назорати субъектларининг давлат идоралар фаолиятига аралашмаслик тамойили бугунги кундаги талабларга тўғри келмаслиги кўплаб экспертлар томонидан эътироф этилмоқда. Бу каби тамойилнинг амалда татбиқ этилиши муаммоли масалани жамоатчилик назорати доирасида кўтарилишига чек қўяди. Лекин, айнан жамоатчилик назорати натижалари ёрдамида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига катта таъсири борлигини таъкидлаш лозим. Бунда мисол сифатида ноқонуний тарзда ишдан бўшатилган, қонунда белгиланган имтиёзлардан фойдалана олмаган, тўланиши керак бўлган пулларни олмаган ва таъқибга учраган аёлларнинг ҳуқуқлари тикланганини келтиришимиз мумкин.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликнинг таҳлили жамоатчилик назорати натижаларининг тавсиявий характерига эга бўлиши, уларни ҳисобга олмаслик, натижада эса жамоатчилик назоратини оддий расмийликка айлантиришга олиб келиши хавфи борлигини кўрсатди.

Шунингдек, жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчиликда жамоатчилик назорати соҳасидаги жавобгарликни белгилловчи бланкет нормалар ўрнига аниқ таъсир чораларни белгилаш лозим.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, жамоавий мурожаатлар асосида ҳудудий, тармоқ ва давлат дастурлари ижро сифатини текшириш амалиётини жорий этиш вазифаси Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида “Таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш”, деб номланган 12-мақсад доирасида белгиланган.

Белгиланган вазифалар қаторида оммавий ахборот воситаларининг роли ва журналистларнинг касбий фаолияти ҳимоясини янада кучайтириш каби вазифалар белгиланган. Давлат ва жамият бошқарувида, кундалик фаолиятимизда очиқлик ва ошкоралик тамойилларини кучайтириш мақсадида фуқароларнинг сўз эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатишга оид конституциявий норманинг ижросини амалда тўлиқ таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта.

Пекин ҳаракатлар платформасида бутун дунё бўйлаб оммавий ахборот воситаларининг аёлларнинг ривожланишига янада катта ҳисса қўшиш салоҳияти эътироф этилган. Унда ҳанузгача иккита долзарб стратегик соҳа белгиланган:

– янги коммуникация технологиялари ёрдамида оммавий ахборот воситалари орқали аёлларнинг эркин фикр билдириш;

– оммавий ахборот воситаларида аёлларнинг мувозанатли ва стереотипсиз тасвирини тарғиб қилиш.

Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситалари давлат ва жамият ўртасидаги мулоқот майдонини шакллантира олганини кўришимиз мумкин. Виртуал ва халқ қабулхоналари билан бир қаторда телевидениенинг турли теледастурлар ва ток-шоуларни тўғридан-тўғри эфирга узатиши, уларда “Ишонч телефонлари” орқали



келиб тушган саволларга очиқ жавоб берилиши, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг жамоатчилик муҳокамасида бўлиши, шу жумладан, интернет тармоғи орқали жорий этилиши мансабдор шахслар фаолиятига жамоатчиликнинг реал таъсири бўлди. Маълумки, бугунги кунда анъанавий ахборот воситалари билан бирга Интернет, ижтимоий тармоқлар, блогерлар жамоатчилик фикрини шакллантиришда катта роль ўйнамоқда.

Улар орқали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика ва транспорт соҳаларида, шунингдек, бозорлар ва савдо мажмуаларидаги хотин-қизларга нисбатан салбий муносабат каби масалалар ҳам доимо жамоатчилик кузатувида эканлигини алоҳида қайд этиш керак.

Бугунги кунда айнан ижтимоий тармоқлар фаоллиги орқали зўравонлик ҳолатлари кенг жамоатчиликка маълум бўлмоқда. Ижтимоий тармоқларда тарқалган видеолар ва маълумотлар юзасидан прокуратура ва ички ишлар органлари томонидан жинойий ишлар очилишида жамоатчилик назоратининг амалдаги таъсирини кўришимиз мумкин. Пандемия шароитида ижтимоий тармоқларда кўрсатилган тиббиёт ходимларига нисбатан кўплаб тажовузлар ҳақидаги видеотасвирлар кенг оммани ташвишга солгани оқибатида ҳаттоки махсус қонун ҳам қабул қилинди.

Албатта, ахборот эркинлиги – демократик жараён, лекин бунда инсон шаъни, қадри, қиммати поймол бўлиши хавфига эътибор бериш ўта долзарб масала ҳисобланади. Конституциямизнинг 20-моддасида фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт, деб белгилаб қўйилган. Ҳуқуқ назариясида бундай ҳолат ҳуқуқни суиистеъмол қилишга йўл қўймаслик, деб номланади.

Блогерларга нисбатан профессионал журналистлардан фарқли ўлароқ ҳуқуқий билим ва масъулият, қонун билан белгиланган қатъий жавобгарлик мавжуд эмас. Айрим ҳолларда зўравонликка оид маълумотлар тарқалиши оддий пиар билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Нотўғри маълумотни тарқатган шахсни жавобгарликка тортиш, устидан шикоят қилиш тартибини ҳам кенг жамоатчиликка таништириш лозим. Энг муҳими, блогерлар билан расмий идоралар ўртасида маълумот алмашинуви йўлга қўйилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан махсус алоқалар ўрнатилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Бурханова, Л., Матвеева, Л., & Ачилова, Л. (2021). Особенности правового регулирования гендерного равенства: международный и национальный аспект (теория и практика применения). Актуальные проблемы гуманитарных наук, 1(1), 6–12. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/problems\\_of\\_humanities/article/view/3611](https://inlibrary.uz/index.php/problems_of_humanities/article/view/3611)

2. Неъматов, Ж., & Сидикова, Ф. (2022). Обеспечение гендерного равенства в эпоху цифровизации Республики Узбекистан. Научные исследования и инновации в индустрии 4.0., 1(1), 24–30. <https://doi.org/10.47689/4.v1i1.3485>

3. Раджабова, А. . (2019). Историческая эволюция гендерного феномена. Востоковедения, 4(4), 191–198. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/oriental-studies/article/view/15664>

4. Рахимов, Ф. (2019). Правовая основа обеспечения гендерного равенства в Республике Узбекистан. Обзор законодательства Узбекистана, (4), 10–12. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/uzbek\\_law\\_review/article/view/12679](https://inlibrary.uz/index.php/uzbek_law_review/article/view/12679)

5. Сидикова, Ф. Х. "Обеспечение гендерного равенства в период социально-экономического развития Узбекистана." (2021): 85-90.

6. Сидикова, Феруза Хайруллаевна. "ГЕНДЕРНОЕ НЕРАВЕНСТВО В ПРОЦЕССЕ ТРУДОВЫХ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ В ЭПОХУ ГЛОБАЛЬНОЙ ЦИФРОВИЗАЦИИ." Интеллектуальный капитал и цифровая трансформация общества. 2022. 358-370.

7. Сидикова, Феруза Хайруллаевна. "ГЕНДЕРНЫЕ АСПЕКТЫ В УСЛОВИЯХ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА." Научные редакторы: ДВ Куницын—кандидат экономических наук, доцент, декан факультета экономики и финансов Сибирского института управления—филиала РАНХиГС; ЕА Дорожинская—кандидат юридических наук, доцент (2021): 150.